

**“Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими  
доирасида капитал бозорида чет эллик иштирокчиларнинг  
фаолияти ва операцияларига доир  
АЛОҲИДА ҚОИДАЛАР**

**1.** Тан олинган хорижий юрисдикциялар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади ва у томонидан мазкур рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**2.** Чет эллик инвестиция воситачилари Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириши ва депо ҳисобварағини очиши мумкин.

**3.** Чет эллик номинал сақловчилар қимматли қоғозлар бўйича ҳисобварақлар очиши ва Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини тўғридан-тўғри ёки агент орқали амалга ошириши мумкин.

**4.** Чет эллик номинал сақловчилар, жумладан кастодиан банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида хорижий ва миллий валютада ҳисобварақлар очишга, шунингдек, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ва “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда – “ЎзРВБ” АЖ) депозитарий тизимида депо ҳисобварақлари очишга рухсат берилади.

**5.** Уюшган савдоларда қимматли қоғозларни сотувчи (сотиб олувчи) норезидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақлар очишга рухсат берилади.

**6.** Корпоратив облигацияларнинг чиқарилиши ва муомаласи ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда облигацияларнинг қийматини чет эл валютасида белгилаш ва мазкур валютада тўлашга рухсат берилади.

**7.** Чет эллик номинал сақловчилар ўзларининг Ўзбекистон Республикасида очилган ҳисобварақларидаги ҳисобга олинган қимматли қоғозлар ёки пул маблағларининг бенефициар мулкдори ҳисобланмайди.

Қимматли қоғозларнинг хорижий номинал ҳисобварағидан (ёки хорижий номинал ҳисобварағига) бенефициар мулкдор ўзгармаган ҳолда “қимматли қоғозларни тўловсиз етказиб бериш” (Free of Payment transfer of securities) орқали ўтказилиши ушбу қимматли қоғозларни реализация қилиш (сотиш) ҳисобланмайди ва томонларнинг ҳеч бири, шу жумладан чет эллик номинал сақловчи учун солиқ мажбуриятини келтириб чиқармайди.

8. Чет эллик номинал сақловчилар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини алоҳида лицензия олмасдан, филиал ёки янги юридик шахс ташкил этмасдан ёхуд маҳаллий юридик шахснинг устав капиталида иштирок этмасдан ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

9. Чет эллик инвестиция воситачиларининг ходимларига тан олинган хорижий юрисдикцияларда берилган қимматли қоғозлар билан ишлаш имконини берувчи малака сертификатлари мазкур ходимларга Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ алоҳида қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака аттестатини олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

10. “ЎзРВБ” АЖ ўзининг депозитарий тизимида давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва ҳисобга олиш ҳамда чет эллик номинал сақловчиларга бошқа депозитарий хизматлар кўрсатиш учун чет эллик номинал сақловчилар депо ҳисобварақларини юритиш ҳуқуқига эга.

*Изоҳ: “ЎзРВБ” АЖ депозитарий тизимида депо ҳисобварақлар очиш ягона депозитар тизим йўлга қўйилгунга қадар амалга оширилади.*